

“Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мазмунидаги тарғибот тадбирларини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев раислигида 2016 йил 25 февраль куни ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан жойлардаги таълим муассасаларида маданият ва санъат намояндалари томонидан “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мазмунидаги тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 29-сон мажлис баёни (01-07/1-461; 29.02.2016й.) ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев раислигида 2016 йил 25 февраль куни ўтказилган 29-сон мажлис баёни (01-07/1-461; 29.02.2016й.) ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мазмунидаги тарғибот тадбирларини йил мобайнида ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси, тадбирни ўтказиш муддатлари ва ишчи гуруҳи таркиби 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳи (М.Акрамов), худудий бўлимлар раҳбарлари: тарғибот гуруҳлари таркибига киритилган киноижодкорларнинг белгиланган муддатларда худудларга юборилишини ташкил этсин; тарғибот тадбирлари мобайнида ўқувчи-ёшларга мустақилликка қадар бўлган даврдаги ҳолатлар ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳаётий ва аниқ мисоллар, халқаро миқёсидаги муҳим эътирофлар орқали тўлиқ тушунтирилишига алоҳида эътибор қаратсин; тадбирларда ёшларни ватанпарварликка ундовчи, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашга даъват этувчи, шунингдек ғаразли

ғоялар ва турли кучларнинг жинояткорона ҳаракатларини фош этувчи “Ажал жодуси”, “Гумроҳлар”, “Жасур”, “Одноклассники.ру”, “Сотқин”, “Афғон”, “Балли, Камолиддин!”, “Шунқорлар” каби бадий ва ҳужжатли фильмларнинг намоишлари ўтказилсин;

амалга оширилган ишлар бўйича ҳар бир тадбирдан сўнг агентликка электрон почта орқали ҳисобот (фотосуратлари билан) тақдим этиб борилсин.

4. Фильмлар ва бошқа киномаҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисоботи бошқармаси (А.Умаров) киноижодкорларни белгиланган ҳудудларга бориб келиши билан боғлиқ транспорт ҳамда фильмлар дискларини кўпайтириш ҳаражатларини ўрнатилган тартибда молиялаштиради.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

А.Мусаев

**“Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни
эгаллашимиз керак?” мазмунидаги тарғибот тадбирларини
ташқил этиш ва уни ўтказиш бўйича
ЧОРА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Амалга ошириладиган вазифа	Муддати	Масъуллар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган таълим муассасаларида таниқли ва ёш киноижодкорлар билан учрашувлар, тарғибот тадбирларини ўтказиш	Йил мобайнида	Киноарбоблар бирлашмаси, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари
2.	Тарғибот тадбирлари мобайнида ўқувчи-ёшларга мустақилликка қадар бўлган даврдаги ҳолатлар ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳаётий ва аниқ мисоллар, халқаро миқёсидаги муҳим эътирофлар орқали тўлиқ тушунтирилишини таъминлаш	Йил мобайнида	Ҳудудий бўлимлар раҳбарлари
3.	Ёшларни ватанпарварликка ундовчи, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашга даъват этувчи, шунингдек ғаразли ғоялар ва турли кучларнинг жинояткорона ҳаракатларини фош этувчи “Ажал жодуси”, “Гумроҳлар”, “Жасур”, “Одноклассники.ру”, “Сотқин”, “Афғон”, “Балли, Камолиддин!”, “Шунқорлар” каби бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг намоишларини ташқил қилиш	Йил мобайнида	М.Акрамов, Республика кинофонди, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари
4.	Олиб борилаётган ишлар ҳақида агентлик веб-сайти орқали кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш	Йил мобайнида	М.Аминжонов

“Ўзбекино” МАнинг
2016 йил _2_ мартдаги
___41а___-сон буйруғига
2-илова

**“Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак
марраларни эгаллашимиз керак?” мазмунидаги
тарғибот тадбирларини ҳудудларда ташкил этиш
МУДДАТЛАРИ**

т/р	Ҳудуд номи	Ўтказилиш муддати
1.	Тошкент шаҳри	2016 йил 1-5 март
2.	Тошкент вилояти	2016 йил 28 март-2 апрель
3.	Жиззах вилояти	2016 йил 4-9 апрель
4.	Сурхондарё вилояти	2016 йил 2-7 май
5.	Қашқадарё вилояти	2016 йил 16-21 май
6.	Навоий вилояти	2016 йил 5-10 сентябрь
7.	Бухоро вилояти	2016 йил 19-24 сентябрь
8.	Хоразм вилояти	2016 йил 3-8 октябрь
9.	Қорақалпоғистон Республикаси	2016 йил 10-15 октябрь
10.	Наманган вилояти	2016 йил 24-29 октябрь
11.	Сирдарё вилояти	2016 йил 7-12 ноябрь
12.	Фарғона вилояти	2016 йил 10-15 ноябрь
13.	Самарқанд вилояти	2016 йил 12-17 декабрь
14.	Андижон вилояти	2016 йил 12-17 декабрь

изоҳ: юқорида кўрсатилган муддатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 25 февралдаги 29-сон мажлис баёни (01-07/1-461; 29.02.2016й.)
2-иловаси билан тасдиқланган.

**“Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни
эгаллашимиз керак?” мазмунидаги тарғибот тадбирларини
ташқил этиш ва уни ўтказиш бўйича
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

1.	А.Мусаев	Агентлик бош директори, Ишчи гуруҳи раҳбари
2.	М.Акрамов	Тизим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳани методик таъминлаш ва ташкилий тадбирлар бўлими бошлиғи, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	Р.Шарипов	Лицензиялашни ташқил этиш ва аудиовизуал маҳсулотларни эксперт баҳолаш хизмати бошлиғи
4.	М.Аминжонов	Бўлим бошлиғи ўринбосари – матбуот хизмати раҳбари
5.	А.Умаров	Республика кинофонди директори
6.	Л.Каримова, Х.Жабборов, С.Иванова	Киноарбоблар бирлашмаси масъул ходимлари
7.	«Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бўлими, тизим ташкилотлари раҳбарлари	